

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
«ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ»
КАФЕДРАСИ
КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ
ЖУРАЕВА К.Р



МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

- ✦ Ҳозирда мавжуд бўлган илмий адабиётларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил қилишнинг илмий-амалий масалаларини иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ қилиш бўйича Ҳамдўстлик мамлакатларида, шу жумладан республикамизда ҳам қатор илмий тадқиқотлар бажарилган. Чунончи, ушбу муаммонинг назарий ва услубий асослари собиқ Иттифоқ даврида А.Н. Ракитников (1970), К.И. Иванов (1975), В.Г. Крючков (1978), М.М. Паламарчук (1985), Г.В. Балабанов (1980), Ўзбекистонда З.М. Акрамов (1961, 1977, 2002), М. Ишчанов (1966), А.Н. Рўзиев (1986, 1990), А.С. Солиев (1999, 2003, 2005, 2007), А.М. Содиков (1989, 2005), А.А. Қаюмов (2004, 2009) ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича ёритиб берилган.
- ✦ Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва уни ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ қилишда картографик тадқиқот усулидан фойдаланишга бағишланган илмий тадқиқотлар ичида Н.Н. Баранский (1960, 1962), М.Н. Никишов (1967, 1976), И.Ю. Левицкий (1975, 1983), В.П. Шоцкий (1978), А.П. Золовский (1979, 1987), Т.И. Козаченко (1979, 1984, 1986), М.К. Мучило (1979), Ўзбекистонда Т.М. Мирзалиев (1976-1987, 1996, 2009), А. Эгамбердиев (1983, 1989, 1995, 2005), А. Бозорбоев (1991), К. Гадоев (1993), Э.Ю. Сафаровларнинг (1996, 2006, 2009) ишлари айниқса эътиборга лойиқдир.
- ✦ Мазкур катта илмий ва амалий аҳамиятга молиқ тадқиқот натижаларини инкор этмаган ҳолда, уларнинг асосан режали иқтисодиёт ва марказлашган бошқарув нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳолда бажарилганлигини қайд этиш лозим. Айни вақтда, мустақилик даврида, бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигида юз бераётган таркибий ўзгаришларни, уларнинг ривожланишини, такомиллашуви ва ихтисослашувини алоҳида ҳудуд доирасида картографик методдан ва замонавий геоахборотлар тизими (ГИС)дан фойдаланган ҳолда мажмуали тадқиқ этилмаган.



Farg'ona Viloyati

Image © 2006 MDA EarthSat


© 2005 Google

Pointer 40°31'56.91" N 71°12'20.84" E

Streaming ||||| 100%

Eye alt 120.64 km

Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти
Хива тумани “Ўзбекистон” худуди
“Матчон ўгли Бектемир” фермер хўжалигининг
ер кадастри картаси
2009 й



Чегарадош ер эгалари

А дан Б гача
Б дан В гача
В дан Г гача
Г дан А гача

ЭКСПЛИКАЦИЯ

Субтропик чўл зонаси																																										
туپроқ айвон-нелари №	Узаштирилган даври	Механик таркиби			Чирчиқ		Харакатчан мг/кг минероли		Шўрланиш				Даражаси			Жойланиш чўқурилиги				Экспозиция	Ишабилки	Майдон, га		Вонгет бағли																		
		0 - 30	30 - 100	100 - 200	Қатлам қалинлиги см	qв	Р2О5	K2O	Даражаси	Куруқ қолдиқ %	Cl %	SO4 %	Ювчилик	Тош аралашганлиги	Зачиқ	Шал сн	Глей сн	Гил сн	Ер ости сувлиқ			Унун ний	Сугориладиган қ/х ерлари																			
																									Унун ний	Сугориладиган қ/х ерлари																
Даудан дарёсинингўзган олди ётқириқлари тумани																																										
Сугориладиган ўтлоқи аллювиал туپроқлар																																										
4	Эскидан сугориладиган	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	0-31	0,705	-	-	кам	0,207	0,016	0,112	-	-	ўрта	-	-	-	1-2	-	-	-	5,2	5,2	75																	
3	Эскидан сугориладиган	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	0-31	0,705	-	-	кам	0,207	0,016	0,115	-	-	ўрта	-	-	-	1-2	-	-	-	4,3	4,3	62																	
1	Эскидан сугориладиган	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	0-31	0,705	-	-	кам	0,207	0,016	0,145	-	-	ўрта	-	-	-	1-2	-	-	-	38,5	31,8	51																	
2	Эскидан сугориладиган	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	оғир қўқоқлар	0-11	0,705	-	-	кам	0,207	0,116	0,150	-	-	ўрта	-	-	-	1-2	-	-	-	2,1	2,1	32																	
Изок: Туپроқ айвонлари рақамни худудга тузилган экспликациянинг рақамига мос келади.																			Жағи:			50,1	43,4	55																		

Тупроқнинг унумдорлик даражаси бўйича классификация

КЛАССЛАР	БОНИТЕТ БАЛЛИ	СИВАТИ	көпмилетилген кызык даражасы	нөлдөргө а
X	91-100	Южорги		
IX	81-90	Жууда яхши		
VIII	71-80	Яхши	4	5.2
VII	61-70	Уртачадан жакшы	3	4.3
VI	51-60	Уртача	1	31.8
V	41-50	Уртачадан паст		
IV	31-40	Емонрок	2	2.1
III	21-30	Емон		
II	11-20	Жууда емон		
I	0-10	Жакшыдан жакшы даражасы		
УРТАЧА БААЛА:			55	43.4

Шартли белгилар


1/2 Тупроқ айирмаларининг
сони ва чегаралари

X2 Кесмалар

ⓧ² Анализга олинган кесмалар

40 Бонитет балли

V Сифати бўйича класслар




Микѝс 1:5000


бир сантиметра 50 м

Тупроқ бонитет карталари


Хива туман СФУ лари тупроқ бонитет карта схемаси




Б.Нуриллаев тупроқ бонитет картаси



“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ГИС”ИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ



“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ГИС”И МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ТАРКИБИ



Ёдда сақлаб қолиш керак

- ◆ 1. Вилоят рельефнинг ясси текисликдан иборат эканлигини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратади. Шу билан бирга ҳудуд асосан суғориладиган деҳқончилик минтақасида жойлашганлиги сабабли; ер устининг текис бўлиши суғориш ишларини енгиллаштиради, ер усти сувлари оқимининг суст бўлиши тўпроқни сув эрозиясига ўзгаришини камайтиради; кучсиз парчаланганлиги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни текислаш ишларига сарф бўладиган меҳнат ва харажатларни камайтишига олиб келади.
- ◆ 2. Суғориб экиладиган майдонлардаги ер ости сувлари табиий шароитда ўзи оқиб чиқиб кетиши жуда қийин, далаларга сув қуйиш вақтида ер ости сувлари ер бетига яқинлашиши қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади ҳамда тўпроқнинг иккиламчи шўрланишига бўлган мойиллигини оширади.
- ◆ Ер ресурслари чекланган вилоятда экин майдонларидан оқилона фойдаланиш борасида ички имкониятлари қидириб топиб ўрганилаётган ҳудудда оқава сув олиб чиқиб кетиши суст бўлган коллектор тармоқларни илмий асосда камайтириб ёпиқ дренаж иншоотларини ва биодренажларни кўпайтириш, коллекторлардан бўшаган ерларда аҳолининг турли эҳтиёжлари учун ишлатиш муҳим аҳамиятга эга;
- ◆ 3. Вилоятнинг аҳоли ва меҳнат ресурсларига бойлиги, табиий ресурсларнинг ниҳоятда камлиги, мамлакат пайтахтидан ва ривожланган иқтисодий марказлардан узоқда жойлашганлиги маълум даражада унинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатган. Вилоят иқтисодий салоҳиятида енгил ва озиқ-овқат саноатининг салмоғи катта, бошқа саноат тармоқлари маҳаллий аҳамиятга эгаллиги ва кўпроқ маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондиришга

4. Қишлоқ хўжалигининг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиши ва хўжалик турлари шаклланиши картографик усуллар ёрдамида яратилган мавзули ва комплекс карталар орқали таҳлил қилинди. Ер фондида экин майдонларнинг чекланганлиги, унинг таркибида ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган экин майдонларини кўпайтириш. Бунинг учун пахта етиштиришни интенсивлаштириш ҳисобига ғўза экин майдонларини аста-секин қисқартириш мақсадга мувофиқдир.

5. Вилоятларнинг табиий шароити ўзига хослиги эътиборга олган ҳолда, ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги мақсадларида литологик-геоморфологик тузилиши асосида бешта районларга ажратилди ва унинг 1:500 000 масштабли картаси тузилди.

6. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишда, бошқаришда ва унинг истиқболларини белгилашда асосий эътибор фермер хўжаликларига қаратилган. Фермер хўжаликларининг янги типдаги йирик масштабли кадастр карталари рўйхати аниқланди. Ушбу турдаги карталарни тузиш методикаси ишлаб чиқилиб, баъзи характерли фермер хўжаликларининг янги типдаги кадастр карталари яратилди.

7. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш, бошқариш ва режалаштириш ишларининг ГИС-технологик жараёни таркибий босқичлари ишлаб чиқилди. ГИС технологияси маълумотлар базаси асосида вилоят қишлоқ хўжалигининг мавзули ва мажмуали карталари тизими яратилди.

8. Қишлоқ хўжалигини яхлит тасвирловчи, мазмунан бир-бирини тўлдирадиган ва маълум бир тизим асосида ишлаб чиқилган карталар тўпламидан иборат бўлган вилоят қишлоқ хўжалиги атласининг лойихаси яратилди. Атлас таркибига киритилган табиий, ижтимоий-иқтисодий мавзудаги карталар қишлоқ хўжалиги соҳаларини тўлиқ акс эттирган.